Эртага Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини бошлайди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 126 (20. 693) • 1990 йил 3 июнь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Биз—партия сафларини принципиал негизда жипслаштириш тарафдоримиз, қайта қуриш мақсадларини, инсонпарвар, демократик социализмнинг олий мақсадларини қадрлайдиган барча кишиларнинг мустаҳкам бирлиги тарафдоримиз.

(КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига Очиқ хатидан).



Съезд минбарига

ЎЗИМ ИШОНГАН ПАРТИЯГА СОДИҚМАН

— Сафимиздаги ҳар бир коммунистнинг шахсий ҳаракат дастури бўлмоғи ва у ўз фаолияти юзасидан мунтазам ҳисоб бериб туришн лозим — дейди партия ва меҳнат ветерани Йўлдош ота Бобожонов.

Кўп воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирган большевиклардан бири сифатида шуни айтмоқчиманки, ҳозирги қайта қуриш, янгиланиш даврида амалга оширилаётган катта ишлар ҳам ҳеч қандай инқилобдан кам эмас. Масалан, республика партия ва ҳукуматининг ўтган йили август ойида қабул қилган «Колхозчилар, совхоз ишчиларининг шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида»ги қарорининг ўзиёқ халқимизнинг руҳини ниҳоятда кўтариб юборди. Ушбу қарорнинг ҳозир изчиллик билан бажарилаётгани ва ижроси қатъий назорат қилиб турилгани туфайли аҳолининг турмуш шароитларида сезиларли ўзгаришлар юз беряпти.

Кейинги пайтда мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари бепул овқатлантирилянти, олий ва ўрта мактаб талабаларига уларнинг ижарада туриш ҳақининг бир қисми тўланмоқда. Жумҳурият Президенти кўп болали оналарга бериладиган нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида, аҳоли чорвасини ем-хашак, озуқа билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида фармонлар қабул қилди. Президентнинг шу йил 8 майда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлари, байналмилал жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига имтиёзлар бериш ҳақидаги Фармони эса биз—барча ветеранларни бениҳоя хурсанд қилди. Бу жуда катта ғамхўрлик намунасидир.

Булар ҳаммаси республикамиз партия ва ҳукумати халқ оғирини енгил қилиш, ўлкамизни ижтимоий-иқтисодий, маънавий равнақ топтириш учун астойдил бел боғлаганлигидан далолат беради. Зотан, ҳар қандай партия фаолиятининг асосини ижтимоий-иқтисодий сиёсат ташкил этади. Партия худди инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаги каби ҳозир ҳам асосий эътиборни инсонга, оддий меҳнат кишисига қаратмоқда.

Бироқ биз ҳозир турғунлик даври деб айтаётган маҳалда, қолаверса, кейинги йилларда партия ташкилотларининг роли нега сусайиб кетди? Нима учун оддий коммунистларнинг ташаббускорлиги сезилмай қолди? Менимча, бунинг энг асосий сабаби — бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва улар етакчилигидаги коммунистларнинг ўзлари фақат юқоридан кўрсатма, маслаҳат, қарор ва буйруқ кутиб ишлашга бутунлай кўникиб қолганликларидадир. Тўғри, бунда айтайлик, ўша даврда таркиб топган тўрачилик, маъмурий-буйруқбозлик иш услубининг ҳам асорати, таъсири катта бўлган. Лекин, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан, Марказий Комитетнинг кейинги йиллардаги, айниқса, бу йилги қатор Пленумларидан кейин ҳам баъзи бир бошланғич партия ташкилотлари, кўпгина коммунистларнинг ҳамон кўрсатма кутиш кўникмасидан, иллатидан қутила олмаётганликларини, айрим жойларда эса, фаолиятсизликларини намоён этаётганликларини қандай изоҳлаш ва тушуниш мумкин? Бунинг ҳам сабабини ўтмишдан ахтаришимиз керакми? Ҳозирги янгиланиш, покланиш, демократия ва ошкоралик бераётган катта имкониятлардан нега тўла фойдалана олмаяпмиз?

Назаримда, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир коммунистнинг ўз тажрибаси, ақл-идроки ва куч-ғайратини тўла ишга солиб ҳамда мавжуд қарорларга таяниб, мустақил ҳаракат қилишига аллақачон вақт етди. Шу мулоҳазаларимга асосланиб, менинг жумҳурият Компартияси XXII съездига айтадиган таклифларим бор.

Биринчидан, ҳар бир шаҳар, район, корхона ва хўжалик партия комитетининг, ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг маҳаллий шарт-шароитларни, миллий ва байналмилал хусусиятларни ҳисобга олиб тузилган аниқ Ҳаракат дастури бўлсин.

Иккинчидан, партиявий иш услубимизда ҳозиргача қўлланиб келинаётган коммунистга партия топшириқлари бериш амалиёти бирмунча эскирди. Бундай топшириқ партия аъзосига бошланғич ташкилот котиби томонидан муайян бир муддатга ёҳуд иш жараёнида йўл-йўлакай ва фақат вақтинчалик бериладиган топшириқ сифатидагина қолавериши керак. Энг муҳими эса — ҳар бир коммунист партиянинг қарор ва кўрсатмаларига, белгилаган вазифаларига асосланиб, ҳисобот даврига мўлжалланган ўз шахсий ва аниқ режаларини — ҳаракат дастурини тузиб олмоғи лозим. Ана шундай режа ва унинг устидан назорат бўлмас экан, бизнинг коммунистга берадиган партия топшириқларимиз қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шу сабабли ҳам мен аниқ таклиф киритаман: ҳар бир «Коммунистнинг шахсий ҳаракат дастури» бўлмоғи керак. Бундай режани бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтганидан кейин дастлабки умумий йиғилишлардан бирида коммунистлар ўзаро муҳокама қилиб, маъқуллайдилар. Кейинчалик ҳар бир партия йиғилишида кўрилаётган масалалар қаторида бир ёки бир неча коммунистнинг ҳисоботи мунтазам эшитиб борилса, партия аъзосининг вазифалари, бажарадиган ишлари ва ҳаракат йўналиши равшанлашади. Масъулияти, ташаббускорлиги, фаоллиги ошади. Ваҳолонки, ҳозирги партиявий иш амалиётида биз фақат раҳбар коммунистлар ва сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг ҳисоботларини эшитиб, муҳокама қиламиз, холос. Аслида эса коммунистларнинг умумий йиғилиши олдида ҳеч бир истисносиз ҳар бир оддий коммунист ўз фаолияти юзасидан, албатта, ҳисоб бериши шарт. Бунга биз энг қуйи бўғинларда ҳеч қандай ортиқча расмиятчиликсиз ва қийинчиликсиз бемалол эришишимиз мумкин.

Менинг ана шу мулоҳазаларим Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатлари эътиборини жалб қила олса ва бу таклифлар муҳокама этилиб, муносабат билдирилса, кекса бир ленинчи большевик сифатида бениҳоя мамнун бўлардим.

Партиянинг обрўси тушиб кетаётгани ҳақидаги турли гап-сўзларга келсак, шахсан менинг фикримча, буларнинг кўпи ғаразгўйлик билан айтилаётган, баъзан тўқиб чиқарилаётган гаплардир. Партия ҳозир ҳам меҳнаткашларнинг йўлбошчиси, сиёсий авангарди эканлигини, у катта ва қудратли куч эканлигини ўз амалий фаолияти билан исботламоқда. Партиядан намойишкорона чиқаётганларнинг аксарият қисми эса сафимизга адашиб кириб қолган кимсалардир. Мен шундай деб биламан. Тўғри, улар орасида, айрим адашганлар ёки ўз йўли, эътиқодидан қайтганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ энг муҳими— ҳали қаторимизда биз билан ёнма-ён турган, лекин коммунист деган номга нолойиқ бўлган кимсалардан сафларимиз мунтазам равишда тозаланиб, покланиб бориши лозим.

Шахсан мен Ленин партиясига ўз иноннихтиёрим билан, онгли равишда кирганман. Бугун ҳам унинг сафида ўз хоҳиш-иродам билан турибман. Бундан буён ҳам ўз партиямга қаттиқ ишонаман ва унга содиқ қоламан. Ушбу партиянинг оддий аскари эмас, балки онгли аъзоси сифатида халқимга хизмат қилавераман.

Йўлдош БОБОЖОНОВ,
Тошкент шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раисининг муовини, 1921 йилдан КПСС аъзоси.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатлари — Фарғона вилояти коммунистларининг вакиллари рўйхатдан ўтишмоқда. Суратда: Қува районидаги Димитров номли колхоз бригада бошлиғи Маҳамаджон Қўчқоров (ўнгдан чапга — турганлар), Қува район матлубот жамияти раиси Ўраим Каримов, Фарғона тўқимачилик комбинати тўқувчиси Вера Коновалова, марғилонлик тўқувчи Галина Олтинбоева, Қува район партия комитетининг биринчи котиби, район Совети раиси Маҳамаджон Носиров, Ҳамза шаҳридаги «Орзу» маиший хизмат уйи тикувчилик цехининг катта мастери Ранса Ким, Олтиариқ районидаги «Пахтаобод» колхозининг звено бошлиғи Норхон Ёдгорова ва Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи Муҳаббат Фахриддинова.

В. Молгачев олган сурат.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРИ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1990 йил 1 сентябридан бошланғич (I-IV) синфлар ўқитувчилари иш ҳақи улар ўқув соатини ҳафтасига 20 соатдан 14 соатга камайтириш ҳисобига ойига ўртача 35 фоиз оширилсин. Бу бошланғич синфлар ўқувчилари таълим-тарбия жараёни сифатини оширишга, мустақил ўқиш учун энг қулай шароитлар таъминланишига, жумҳурият ёш фуқаролари таълими ва тарбияси учун муаллимлар касб тайёргарлиги ва масъулиятини ошириш ни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига шу мақсадлар учун бу йил 20,8 миллион сўм, келгуси йилларда ҳар йили 62,5 миллион сўм маблағ ажратиб топиш топширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 2 июнь.

* * *

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

МУСУЛМОНЛАРНИНГ САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ҲАЖ ҚИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

1. СССР Президенти фармойишини ижро этиш юзасидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг Ўрта Осиё регионида истиқомат қилувчи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йил 19 июнидан 10 июлгача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги илтимосига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси (ўртоқ Рафиқов) ҳаж қилувчиларни келишилган маршрут бўйича Жидда шаҳрига (Саудия Арабистони) олиб бориб қўйиш ва олиб келишни таъминласин, ана шу мақсадлар учун Ил-86 ва Ил-62 самолётлари ажратилиб, уларни доимий истиқомат жойларига етказиб қўйишни ҳам таъминласин.

3. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги (ўртоқ Йўлдошев) рухсатномалар ва қайд этиш бўлими, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги (ўртоқ Азимов), Ўзбекистон республика божхонаси (ўртоқ Тарасов) СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР бўйича диний ишлар кенгаши билан биргаликда тегишли йўл ҳужжатларининг жадал расмийлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги (ўртоқ Баҳромов) ҳаж қилувчиларга зарур дори-дармонлар ажратиб, ҳаж жойларида бўлиш даврида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги (ўртоқ Усмонов) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси билан биргаликда ёдгорлик буюмлари, эсдалик совғалари харид этишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашсин.

6. Тошкент шаҳар ижроия комитети (ўртоқ Шоабдураҳимов) мусулмонлар диния бошқармасининг талабномасига кўра ҳаж қилувчилар жўнаб кетиши олдидан ва Саудия Арабистонидан қайтганидан кейин уларнинг Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 2 июнь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонига шарҳ

Ўзбекистон ССР Президентининг янги Фармони — республикада болалик тўғрисида, ёшларнинг мураббийлари ҳақида ижтимоий ғамхўрлик сиёсати изчил амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир. Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайловига ҳаракат дастурида ушбу сиёсатнинг негизлари баён этилган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактабда» мурожаатномасида ўз ифодасини топган эди.

Нима сабабдан бу гал айни бошланғич мактаб муаллимларига афзаллик берилди?

Бошланғич мактаб — умумий ўрта таълимнинг асосий пойдеворидир. Болаларнинг келгусидаги таълими муваффақияти, уларнинг ҳар томонлама камол топиши кўп жиҳатдан бошланғич мактаб ишининг натижаларига боғлиқдир. Барча маърифатли мамлакатларда бошланғич мактаб тўғрисида жамият алоҳида ғамхўрлик қилади. Бизда эса бошланғич мактабга кейинги пайтларгача етарли эътибор берилмади ва бундай муносабат оқибатида аҳоли таълими сифатида жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Таълим-тарбия жараёнининг асосий сиймоси муаллим эканлиги тўғрисидаги ҳақиқат бошланғич мактабда айниқса сезилиб туради. Бугунги кунда жумҳуриятимиз мактабларининг бошланғич синфларида 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган 1,6 миллиондан зиёд бола таълим олмоқда. Уларга 72 минг муаллим дарс бермоқда. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ, тушуниб ўқиш, ҳисоблаш кўникмаларини, теварак олам тўғрисидаги дастлабки билимларнинг муайян ҳажмини мустаҳкам эгаллашлари учун, бола руҳиятини жадал шакллантириш ва ривожлан-

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг пленуми

2 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съездини чақириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова маъруза қилди.

Пленумда жумҳурият касаба уюшмаларининг XIV съездини 1990 йил 11 сентябрда Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилинди. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаолияти ва ҳозирги шароитда уни янгилаш йўллари тўғрисидаги ҳисобот; тафтиш комиссиясининг ҳисоботи; Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерациясининг Низоми лойиҳасини ҳамда съезднинг дастурий ҳужжатларини муҳокама қилиш; ташкилий масалаларни ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш съезднинг кун тартибига киритилади.

(ЎзТАГ).



Суратда: Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор дастгоҳчилари М. Абжамилов ва В. Пронишчевларни кўриб турибсиз. Коммунист ишчилар корхонанинг барча жамоат ишларида фаол қатнашиб, ёшларга мураббийлик қилиш ҳаракатида ҳам ўрнак кўрсатишяпти.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ПАРТИЯ МУДДАОСИ: ЖИПСЛИК, ЯНГИЛАНИШ

● ДЕЛЕГАТЛАР МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ёрдам ва ғамхўрлик керак

Кундалик турмуш бошланғич ташкилотларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида партия қуйи бўғинлари структураси, фаолият программаси ва шакллари, йиғилишларни, сиёсий тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва тартибига оид масалаларни ҳал этишни ана шу ташкилотларнинг ўзига топшириш зарурлиги қайд этилди. Партия ўзини тубдан янгилаётган ҳозирги шароитда бу вазифаларнинг амалга оширилиши бошланғич ташкилотлар фаолиятини кескин кучайтириш, унинг омма ўртасидаги обрўсини ошириш имконини беради.

Хўжалигимизда олтита цех партия ташкилоти бор. Уларга ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат қилаётган 76 коммунист бирлашган. Бошланғич партия ташкилоти ва коммунистларнинг ишбошилик роли айниқса, иқтисодий қолоқ бўлган «Хатеп» совхози ва «Прогресс» колхозлараро бўрдоқичилик хўжалиги бирлашгандан кейин янада кучайди. Ҳозир комплекс 3200 бош қорамолга эга. Уларнинг ҳар бири кунига 500—550 граммга етказиб семиртирилмоқда. Молларни парвариш қилишда ҳамиша бўлгани сингари коммунистлар намуна кўрсатмоқдалар.

Партия ташкилоти хўжаликнинг барча соҳаларига ўз таъсир кучини ўтказяпти. Бир мисол: партия комитети имкониятларни ҳисобга олиб чорва моллари боқаётган хонадонларга мол озуқаси етказиб беришни кун тартибига қўйди. Қабул қилинган қарор эртаси куниёқ бажарила бошлади. Моллар бош сонини ҳисобга олиб, 100 килограммдан шелуха, 50 килограммдан аралаш озуқа бера бошладик. Хўжаликка партиявий раҳбарлик яхшилангани сабабли даромад ҳам ошиб бормоқда. Ўтган бир йилда совхоз 1 миллион 700 минг сўм соф фойда олди. Маблағнинг асосий қисми хўжалик ишчиларининг моддий турмуш шароитини яхшилашга сарфланмоқда.

Мен шу ўринда бошланғич ташкилотларга раҳбарликни янада такомиллаштириш зарурлигига тўхталмоқчиман. Партия комитетлари билан қуйи бўғинлар орасидаги алоқа узоқлашиб боряпти. Кейинги пайтларда райком инструкторидан бошқа бошланғич ташкилот ҳолидан хабар оладиган ходим қолмади. Партком котиблари хўжаликларга келганларида бошланғич ташкилотга ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳатто унинг котиби билан учрашмай кетаверадилар. Бу — одат тусига кириб бораётгани айниқса, ташвишланарли ҳол бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда бошланғич ташкилотларнинг ролини ошириш, мустақиллигини таъминлаш тадбирлари кўрилаётган экан, уларга ғамхўрлик ва яқиндан ёрдам кўрсатиш ҳам зарур.

Т. ҚУБЛАНОВ,

Хўжайли районидаги «Хатеп» саноат комплекси директори.

● СЪЕЗДОЛДИ АНКЕТАСИ.

ТАҚДИРИМИЗ ҚЎЛИМИЗДА

1. Сиз съезддан нима кутяпсиз?
2. Съездга қандай таклифларингиз бор?
3. Партия ишини қайта қуришнинг ҳозирги аҳволи ҳақидаги фикрингиз?

Анкета саволларига Оҳангарон шаҳридаги «Стройпластмасс» комбинати слесари, Ўзбекистон Компартияси XXII ва КПСС XXVIII съездлари делегати жавоб беради.

ДЕЛЕГАТ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ: Шуҳрат Қурбонов 36 ёшда. Партия стажи — 11 йил. 1971 йилдан шу корхона механика-ремонт цехида гидроаппаратлар ремонти бўйича слесарь бўлиб ишлайди. Бригада бошлиғи. Корхона меҳнат коллективи кенгашининг раиси.

— ҲАР ИККИ съезд оралиғида партия турмушида ҳам, жумҳурият социал-иқтисодий ҳаётида ҳам кўпдан-кўп зудлик билан бажарилиши лозим бўлган вазифалар йиғилиб қолди. Биз партия съездига тўпланар эканмиз, энг аввало, ҳисобот даврида партия ҳаётида қандай янги ўзгаришлар бўлгани, тажрибалар, қайта қуриш ва янгиланиш йўлида дуч келинган ҳамда ҳал этилмаса бўлмайдиган муаммолар нималардан иборат эканлигини ва уларни бажариш йўл-йўриқларини синчиклаб муҳокама қилишимиз лозим. Мен қуйида ана шу муаммолар ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларим, таклифларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Кейинги пайтларда партия ўзининг жанговорлик хусусиятини йўқотиб қўйди, деган гапларни тез-тез эшитишга тўғри келяпти. Бир ҳисобда биз буни тан олишимиз керак. Сирасини айтганда турли даражадаги партия комитетларининг аксарият қисми норасмий уюшмалар олдида чўчиб турибдилар, кишилар билан учрашишдан ва ҳатто ўз иш хоналаридан чиқишдан ҳадиксирамоқдалар. Чиндан ҳам давр ўзгарди, демак партиянинг тактикаси ҳам ана шу даврга ҳамоҳанг бўлиб ўзгариши керак. Биз, ҳар бир партия аъзоси ишчилар синфи илғор, уюшган отряд эканлигини ҳамиша эсда тутишимиз зарур.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми мамлакатда кўп партиявийлик эшигини очиб берди. Хўш, бундай шароитда компартия ташкилотлари қандай ҳаракат қилишлари лозим? Очиқ эътироф этиш керакки, жумҳуриятимиздаги кўпгина партия ташкилотлари ўз фаолиятларини тубдан қайта қуриб, омма билан ишлаш қобилиятини мустаҳкамлаш ўрнига ҳаётдан орқада қолмоқдалар, ғайри одатий муаммолар олдида саросимага туша бошладилар. Шу боисдан жумҳуриятимиз коммунистларининг съезди вазифаси — коммунистларни тарбиялаш, партия кадрларини янгича шароитда ишлашга тайёрлаш режаларини белгилаб чиқишдан ҳам иборат бўлмоғи зарур.

ҲОЗИР асосий иш ҳажми бошланғич ташкилотларга кўчяпти. Шунинг учун ҳам Ҳаракат дастури лойиҳасида бошланғич ташкилотларнинг меҳнат коллективидаги ўрни ва ролини барқарор этиш зарурлиги қайта-қайта тилга олинган. Зеро, шундай бўлиши табиий ҳамдир. Чунки партия юқори органлари омма билан ўзининг асосий бўғини — бошланғич ташкилотлар орқали мулоқотда бўлади, ўзи қабул қилган қарорларни ана шу ташкилотлар орқали амалга оширади.

ЭНДИ ўзим ишлаётган корхона партия ташкилоти муаммолари ҳақида. Очиғини айтай, жумҳуриятдаги партия қуйи бўғинлари фаолиятида дуч келинаётган муаммоларнинг бир қисми бизнинг партия коллективимизга ҳам тааллуқлидир. Жумладан, биз партия йиғилиши коммунистнинг тарбия мактаби, деб гапиришга ўрганиб қолганмиз. Аммо ана шу мактаб ҳамиша ҳам ўзининг асосий вазифасини ўтаётгани йўқ. Унга масалалар тайёрлаш ва йиғилишни ўтказишда барча коммунистлар ҳам фаол иштирок этяпти, деб айтолмаймиз. Коллектив раҳбарлик принципига ҳам тўла риоя қилинмаяпти. Қарор ижросини назорат қилиш ҳам кўп ҳолларда бошқа юмушлар қатори партия ташкилоти котибининг зиммасига юклаб қўйилган.

Фаоллар ҳақида. Агар бирор коммунист берилган топшириқни сидқидилдан ўринлатиб бажарадиган бўлса, партия ташкилотларида унинг имкониятларидан кўпроқ фойдаланиб қолишга ҳаракат қилиш одат тусига кириб кетган. Тўғриғоғи, ана шу коммунистни турли хил топшириқлар билан «кўмиб» юборадилар. Масалан, шу ўринда мен ўз дардимни айтсам. Оҳангарон район партия комитети, шунингдек шаҳар ижроия комитетининг аъзосиман. Жамоат топшириқлари ниҳоятда кўпайиб кетганлиги сабабли менинг номзодимни Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатишганида ундан воз кечишимга тўғри келди. Айтингчи, шунча топшириқ бир коммунист учун кўплик қилмайдими? Райкомга ҳам, ижрокомга ҳам бир ўзимни балогардон қилгандан кўра, зиммасида жамоат ишлари бўлмаган коммунистлар ҳам фаоллар қаторига қўшилса қайтага дуруст бўлмасмиди? Йўқ, райком ҳам, ижроком ҳам ўз назарига тушиб қолган партия аъзосини сира ҳам эътибордан қочирмайди. Баъзан шундай ҳам бўляптики, бригадада ўз иш планимни сменадан кейин қолиб бажаришимга ҳам тўғри келмоқда. Менимча, партия юмушида коллектив бўлиб иш олиб бориш худди ана шу ўринда жуда ҳам асқотади.

КУНИ КЕЧА корхона коммунистларининг йиғилиши бўлди. Унда съезд делегати сифатида ана шу анжуманда нималарга урғу бериш, нималар тўғрисида гапириш ҳақида наказ олдим. Корхона коммунистлари бугунги кунда биз барча соғлом кучларни қайта қуришнинг маркази бўлган КПСС тезарагига жипслаштиришимиз лозимлигини таъкидладилар. Кучимиз бирликда, аҳиллиқда ва мустаҳкам жипсликда. Ана шу бирлик ва аҳиллик бўлмас экан, партия бошлаган қайта қуриш ва янгиланиш ҳам поёнига етмайди, халқнинг турмуш даражаси ёмонлашиб, сиёсий ва иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораверади. Демак, съездда барча делегатларнинг диққат-эътибори жумҳурият меҳнаткашларини янада жипслаштиришга, қўйилган вазифаларни якдил бўлиб бажаришга қаратилмоғи зарур. Инқироздан чиқиш йўли ҳақида гап борганида эса менинг фикрим қуйидагичадир: биз — ишчилар меҳнат жамоаларининг тўла иқтисодий мустақил бўлиши тарафдоримиз. Ишчи ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайини бўлиши керак. Агар қийинчиликлардан халос бўлишнинг воситаси бўлмаса ҳам ижара пудратига дадил ўтавериш керак. Сўнгра коллектив сотиб олиш йўли билан корхонанинг эгаси бўлиб қолади. Биз коллектив хўжайинга эга бўламиз ва ўз мулкимизни кўпайтираверамиз. Ижара шундай вазиятни вужудга келтирадики, у вақтда бозор муносабатларига суқулиб киришга уринаётган кўпчилик марказий, умумиттифоқ ва жумҳурият хўжалик тузилмалари керак бўлмай қолади.

Мен анкета саволларига иложи борича мукаммалроқ жавоб беришга ҳаракат қилар-канман, айни пайтда истагим шуки, партия съезди жумҳурият коммунистларининг том маънодаги ҳақиқий анжумани бўлсин. Унда гапдонларга, маҳмадоналарга сира ҳам минбар берилмаслиги лозим. Шунга эришиш керакки, бу анжуман ғоят ишчанлик, талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтсин, Жумҳурият меҳнаткашлари ўзларини қизиқтираётган саволларга шу съезддан қониқарли жавоб олсинлар.

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ЖУМҲУРИЯТ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ ЮЗАГА КЕЛГАН МУАММОЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИБ ХАЛҚ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ, УНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ҲАМДА СИЁСИЙ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА БИР ҚАТОР ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ. ҚУРУЛТОЙЛАР ВА КЕНГАШЛАР ЎТКАЗДИ. УЛАР ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА ҚУЙИДАГИ ЛАВҲАЛАР ТАСАВВУР БЕРАДИ.

ЖУМҲУРИЯТ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРИЯТИ ВАЗИЯТНИ ЎЗГАРТИРИШ УЧУН ШОШИЛИНЧ, ДАДИЛ ЧОРАЛАР КЎРАЁТГАНЛИГИ ПАРТИЯ ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ХАЛҚЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРИШ ГАРОВИ ҲАМДА ТАШАББУСКОРИ БЎЛИБ ЧИҚАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАЙДИ.

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, ОДАМЛАР ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ—ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

ШАҲАР ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДАН

«Бошланғич ташкилотлар мавқеи ва обрўсини ошириш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ишлаб чиқиш зарур. Ҳозир баъзи бировлар таклиф этаётганидек, партиянинг асосий бўғинлари меҳнат коллективларидан ситиб чиқарилишига йўл қўймаслиги керак».

(Тошкент шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида ўртоқ И. А. Каримов сўзлаган нутқидан).

Шуманай район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари обрўсини ошириш учун ҳисобда турган 1 минг 257 коммунист билан суҳбат ўтказди. Суҳбат пайтида 197 коммунистга янгидан топшириқ берилди. Уч коммунист қолоқ участкаларга ишга юборилди.

Раҳбарларни меҳнат коллективига сайлаб қўйиш тажрибаси оммалашди. Ўтган йили 176 раҳбар сайлаб қўйилди. Район марказий касалхонаси, А. Мусаев номли совхоз, 324-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна ва Луначарский номли ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги ошди.

Қашқадарё вилояти партия ташкилотларида ўтказилган йиғилишлар ва конференцияларда 19 мингдан ортиқ коммунист сўзга чиқди. Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ҳар уч нафаридан бири, цех партия ташкилотлари котибларининг ҳар икки нафаридан бири, партия группа ташкилотларининг қарийб ярми икки ва ундан ортиқ номзодлар орасидан сайлаб қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVIII ПЛЕНУМИ

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРИШНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПЛАРИ

«Миллатлараро муносабатларни соғломлаштиришга оид чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш партия комитетларининг, совет органларининг, жамоат ташкилотларининг ғоят муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.»

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг Фарғона областидаги воқеалар бўйича қабул қилган қароридан).

Хоразм вилоятида 90 га яқин турли миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилади. Қўшкўпир районидаги «Иттифоқ» колхозида эса эроний, туркман ва ўзбеклар ёнма-ён яшайдилар. Вилоят партия комитети бюросида мазкур хўжаликда социал аҳволни яхшилаш бўйича масала кўриб чиқилди. Натижада «Дўстлик» посёлкаси ва «Дўстлик» боғига асос солинди.

Корейслар маданий маркази тузилди. Мактабларда туркман, қозоқ тилларида машғулотлар олиб бориляпти. Ҳозир 806 бола туркман, 340 дан кўпроқ бола эса қозоқ тилларида ўқимоқда.

Бухоро вилоятида 80 дан зиёд миллат вакили яшаб меҳнат қилади.

Аҳоли миллий қатламида кўпчиликни ташкил қилган форс-тожиклар, яҳудийлар, корейслар-нинг маданий марказлари ташкил этилиши ҳам вилоятдаги маънавий вазиятга ижобий таъсир кўрсатди. Вилоят ва район газеталарида тожик тилидаги саҳифалар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон ССР олий раҳбарлари ва мақолалар. Совет раҳбарларининг «Ленин мероси»ни ўрганиш ва ўзлаштириш ҳақидаги ҳужжатлари. ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

«Ўзбекистон Компартияси аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқларни жадал ривожлантириш, ишлаб турган корхоналар ишини сменадорлигини ошириш, кичик ва ўртача корхоналар тармоқларини..., касаначилик ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа шаклларини кенгайтириш ҳисобига ҳал қилиш зарур деб ҳисоблайди».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ҳаракат дастуридан).

Андижон вилоятида умуман иш билан таъминланмаган кишилар сони 213 мингтага етади. Шундан ишга лаёқатли, бироқ ишсиз юрган кишилар 50 минг. Жумҳурият партия ва ҳукуматининг қароридан кейин 24 минг киши ишга жойлаштирилди. Олтинкўл, Балиқчи ва Бўз районларида, бошқа кўпгина хўжаликларда кичик қувватга эга бўлган консерва цехлари қурилди. 8 та қишлоқ кооперация саноати ишга туширилди.

Наманган вилоятида кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича область программаси ишлаб чиқилди. Район саноат комбинатлари, меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик ва кооператив усуллари кенг ривожлантирилди. Натижада ўтган йилдан буён 36 минг киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди.

Вилоятда 20 та енгил саноат корхонаси қурилади ва қайта жиҳозланади. Мавжуд ишчи кучига қўшимча равишда яна 26 минг киши янги завод ва фабрикаларга жалб этилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

«...Хизмат кўрсатиш соҳасига партиявий раҳбарлик кучайтирилсин. Кўпинча раҳбарларнинг бепарволиги, уларда ташаббуснинг йўқлиги туфайли маиший-маданий хизматдаги камчиликлар яққол кўзга ташланмоқда. Хонадонларга телефон туширолмай, поезд ёки самолётга билет тополмай сарсон бўлганлар кўп. Бундай камчиликларни таг-туги билан йўқотиш чораларини кўрмоқ керак».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми материалларидан).

Ҳозирги пайтда Хоразм вилояти аҳолисига 1 минг 292 нуқтада 400 тур бўйича маиший хизмат кўрсатиляпти. 1989 йилда 41 жойда янгитдан маиший хизмат кўрсатиш нуқталари очилди. 16 та янги хизмат тури ташкил қилинди. 270 та технология жиҳозлари ўрнатилди.

Ўтган йили вилоятда маиший хизмат кўрсатиш топшириғи 102 фоизга бажарилди. Ҳар бир киши ҳисобига 22 сўм 12 тийиндан хизмат кўрсатилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 1 сўм 35 тийин кўп, демакдир.

Шу билан бирга айрим муаммолар ҳал этилмай келиняпти:

Биринчидан, берилган маиший хизмат кўрсатиш топшириқлари материал ресурслари билан зўрға 50 фоизга таъминланган;

иккинчидан, кўпчилик технологик жиҳозлар эскирган, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Масалан, кийим тикиш машиналарининг ярмидан кўпи 15 йилдан зиёд ишлаяпти, ажратилаётган лимитлар эса бир ярим-икки фоиз талабни қондиради, холос.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ «ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҲАҚИКИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область-ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунининг бажарилишини таъминлаш тўғрисида.

СССР Мудофаа министрлигининг қарори билан 1990 йил баҳорги чақириқни ўтказиш ниҳояда Ўзбекистон ССР ҳаётидаги муҳим воқеадир. СССР Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон ССРдаги ҳокимиятлар ва ташкилотлар ҳамкорлиги ва ўзаро ишончга асосланган ҳолда ишларни ташкиллаштирдилар. Ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар ва ислоҳотлар

● ДЕЛЕГАТЛАР МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ўзимизга боғлиқ

Ҳозир ҳар қандай катта-кичик йиғинларда суҳбат партия обрўси ва уни тиклашдан бошланади. Бу одат бўлиб қолди. Аммо обрўни оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун энг аввало, партиянинг ўзи халқ олдида айтган гапининг уддасидан чиқмоғи лозим. Кейинги йилларда йиғилишлар, қабул қилинган қарорлар сони кўпайди-ку, бироқ шу қарорларнинг аксарият қисми бажарилмай қолмоқда. Бир мисол. Икки йил олдин Тошкент шаҳар партия ташкилотининг аграр масалага доир пленуми чақирилган эди. Унда яхши қарорлар қабул қилинди, жумладан 147 гектар ерда теплица қурилиши айтилди. Лекин белгиланган режа амалга ошгани йўқ. Ҳатто унинг бажарилиши текширилмади ҳам.

Яна бир гап. Колхозчининг оладиган пули кам, даромади оз. Сабаби — саноат маҳсулотлари нархи кун сайин ошяпти, деҳқончилик маҳсулоти эса аввалги нархда турибди. Бир килограмм узумни 21 тийиндан, 1 килограмм помидорни 9 тийиндан сотяпмиз. Партия ва совет органлари шу ҳақда ҳам кўпгина ваъдалар беришди, аммо аҳвол ўзгармади. Менимча, партия ташкилотларининг обрўси тушганлиги сабабларидан бири ана шунда. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш масаласини муҳокама қиларкан, мана шу муаммоларга ҳам алоҳида эътиборни қаратмоғи лозим.

Р. АКБАРОВ,
Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз раиси.

Якдиллик зарур

Корхонамизда ўндан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қиляпти. Янгича ишлаш усул ва услублари қарор топмоқда. Бу эса завод иқтисодиётида ва одамлар турмушида туб ўзгаришларга олиб келяпти. Масалан, ўтган йили корхонамиз коллективи бир йўла меҳнат отпускасига чиқди. Бу билан ҳам дастгоҳларга, ҳам одамларга дам бериш имкони яратилди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Завод бўйича меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Маҳсулот сифати илгаригига нисбатан анча яхшиланди. Иқтисодиёт мустаҳкамланди. Кўрилган фойда ҳисобига жаҳон бозори билан алоқа ўрнатилди.

Наманган вилоятида баъзи партия ва совет ташкилотлари билан ёнма-ён норасмий уюшмалар вакиллари ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Яқинда уларнинг бир группа вакиллари жумҳурият съезди арафасида вилоятимиздан сайланган СССР, Ўзбекистон ССР ва область халқ депутатлари билан учрашдилар. Ошкора мулоқотда жумҳуриятимиз иқтисодий мустақиллиги, вилоят социал-иқтисодий аҳволини янада яхшилашга қаратилган муаммолар атрофлича таҳлил этилди. Бу учрашув вилоят ривожи учун катта наф келтириши табиий, албатта. Муҳими, кучлар якдиллиги таъминланяпти. Айтмоқчиманки, одамларимизнинг умумий мақсади халқнинг турмуш даражасини оширишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ҳ. НУЪМОНОВ,
Наманган машинасозлик заводи токари.



ДАЛАЛАРДА НОН ИСИ

Раҳматилла Омонов Тошкентга, жумҳурият коммунистларининг съездида иштирок этиш учун йўлга отланишдан олдин буғдой ўраётган комбайнчилар билан суҳбатлашди. Совхоз далаларида 50 дан ортиқ комбайн уч сменада ишлаяпти. Ҳар гектар ердан камида 18—20 центнердан дон ўриб-янчиб олиняпти. Механизаторлар бу йил 21,6 минг тонна ғалланн ўриб-йиғиб олишни мўлжаллашяпти. Улар совхоз директори — съезд делегатига суръатни сира ҳам бўшаштирмасликка сўз беришди.

СУРАТЛАРДА: Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхознинг энг тажрибали комбайнчиларидан бири Н. Ашуров. (1-сурат). У ҳамкасблари ўртасида пешқадамлик қиляпти. Ғайрат Худойқулов ва Нурмон Мамаевлар ҳам (2-сурат) совхознинг илғор механизаторларидан ҳисобланадилар. Учинчи суратда — совхоз директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати, жумҳурият Компартияси XXII съезди делегати Р. Омонов фарзандлари даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ШАХСИЙ ХЎЖАЛИГИДАГИ МОЛЛАР ВА ПАРРАНДАЛАРНИ ЕМ-ХАШАК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

«1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш планини бажаришга улар аҳолига сотадиган хашак ва ширали ем-хашак ҳисобга олинсин... Жумҳурият колхоз ва совхозларида етиштирилаётган наслдор ва насли яхшиланган моллар ҳисобидан бузоқ ва паррандалар сотиш кўпайтирилсин».

[Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонидан].

Ушбу Фармонни рўёбга чиқариш учун амалий ишлар авж олди. Бинобарин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги пайтда аҳолининг шахсий хўжаликларида 2 миллион 443,2 минг бош қорамол, жумладан, 1 миллион 206 минг 800 бош сигир бор. Қўй-эчкилар сони эса 3 миллион 260 мингдан зиёд.

Аҳолига сотиш учун давлат ресурсларидан 1990 йилда 400 минг тонна омухта ем ва 60 минг тонна кунжара, 75 минг тонна чигит пўстлоғи, 3,8 минг тонна пуч чигит, 56,6 минг тонна пиво чиқитлари, 1991 йилда 450 минг тонна омухта ем, 60 минг тонна кунжара, 150 минг тонна чигит пўстлоғи, 3,8 минг тонна пуч чигит ва 100,9 минг тонна пиво чиқитлари ажратиш кўзда тутилган.

Жумҳурият Қишлоқ хўжалик давлат кооператив комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва вилоятларнинг ижроия комитетлари колхозлар ва совхозлар томонидан аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда 631 минг тонна пичан, 379 минг тонна ширали озуқалар, 1100 минг тонна кўк ўт, 1991 йилда 1387 минг тонна пичан, 758 минг тонна ширали ем-хашак, 2950 минг тонна кўк ўт сотилишини таъминлайдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

«Ижтимоий фанлар, халқ таълими ва маданиятн соҳаларини жиддий қайта қуриш, оммага ғоявий таъсир кўрсатишнинг мазмуни, воситалари ва услубларида туб ўзгаришлар қилиш зарур».

[Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми материалларидан].

Бутун чоралар билан фан, маданият ва ўқиш-ўқитиш ишларини тубдан қайта қуриш чора-тадбирлари кўрилди. Ёш олимларни қардош республикаларга ва чет элларга докторантурага юборишга ҳар қандай маблағ аялмаяпти. Бироқ ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар кўп.

Биргина Самарқанд вилояти шаҳар ва районларида 143 та мактаб, 20 та болалар муассасалари жиҳозланмаган биноларда жойлашган. Самарқанд районида 107 та умумтаълим мактабининг атиги 25 таси рисоладагидек биноларга жойлашган, холос. Уларнинг ўнтаси эса қулаш ҳолатида.

Жумҳурият ижтимоий-сиёсий ҳаётида Давлат тили ҳақидаги Қонун ва «Наврўз» байрамини нишонлаш тўғрисидаги қарор муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорлари қурултойи қатнашчиларининг жумҳуриятдаги барча меҳнаткашларга

МУРОЖААТНОМАСИ

«Пахта майдонлари камайганлиги, томорқа ерлари берилганлиги туфайли бу йил ва бундан буён мева ва сабзавот маҳсулотлари кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бу эса қайта ишлаш тармоғи меҳнаткашлари олдига жиддий вазифалар қўяди. Қайта ишлов корхоналарининг имкониятларини ошириш, жойларда кам қувватли маҳсулотни қайта ишловчи цехлар қуриш лозим».

[Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорлари Қурултойи қатнашчиларининг жумҳуриятдаги барча меҳнаткашларга мурожаатномасидан].

Нукус шаҳрида сабзавот консерва заводи ишлаб турибди. Бу завод айни шу кунларда ремонт қилинмоқда. 15 июнда ремонтдан чиқарилиб, маҳсулотларни қабул қилишга тахт қилиб қўйилади.

Агросаноат комплексидаги қатор колхоз ва совхозларда мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган кичик цехлар ишга туширилди. Ҳозир мухтор жумҳуриятда йилига 3,7 миллион шартли банка мева ва сабзавот консервалари ишлаб чиқариладиган еттита кичик цех ишлаб турибди. Янги маҳсулот етишгунча яна тўртта шундай цех қурилиб, ишга туширилади.

Сурхондарё вилояти кўп миқдорда сабзавот, мева, полиз ва узум маҳсулотлари етиштиради. Уларнинг умумий ҳажми 1 миллион тоннага яқин. Бироқ ана шу етиштирилган ҳосилнинг қарийб 30 фоизи ўз жойида нобуд бўлмоқда. Маълум миқдори темир йўлга олиб бориш, ортиш ва туширишда чоғларида йўқолмоқда.

Етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш учун корхоналар етарли эмас. Вилоятда бор-йўғи учтагина консерва заводи бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида

«Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, район ва шаҳар ижроия комитетлари, посёлка ва қишлоқ Советлари, колхозлар ва совхозлар 1990 йил 1 январига қадар ер участкалари бўлмаган колхозчилар ва совхоз ходимларининг оилаларига томорқа участкалари ажратиб берсин».

[Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қароридан].

Қарор эълон қилингунгача жумҳуриятимиз қишлоқларидаги 240 минг оиланинг ер участкаси йўқ эди. 1 миллион 800 мингдан ортиқ хонадон эса уй-жой қуриш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ўз ер участкаларини кенгайтиришга муҳтож эди.

Ҳозиргача жумҳуриятимиз қишлоқ аҳолисига 160 минг гектардан зиёд томорқа майдонлари ажратиб берилди. Бироқ кўпгина жойларда бу иш ҳали тўла амалга оширилгани йўқ.

Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхозда эса ерлар совхоз ишчилари қатори районда яшамайдиган одамларга ҳам бериб юборилган. Райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида ҳам шундай воқеа юз берди. 80 кишига ижтимоий адолат принципларини четлаб ўтиб томорқа ажратилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ НОГИРОНЛАРИГА, ҚАТНАШЧИЛАРИГА, БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАРГА ВА ҲАЛОК БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИГА СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАСИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, республика территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар 1990 йилда Улуғ Ватан урушн ногиронларини ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини уй-жой билан таъминласинлар...»

[Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонидан].

Сурхондарё вилояти шаҳар ва районларида 3 мингдан зиёд уруш ногиронлари ва ҳалок бўлган жангчилар оилалари истиқомат қилишади. Бир неча минглаб афғон воқеалари иштирокчилари бор. Ғалаба байрами арафасида Ўзбекистон Президенти қабул қилган Фармон бу фидоийларга катта мадад бўлди. Область Совети ижроия комитети улар эҳтиёж сезган ҳар бир масала юзасидан ёрдам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

Андижон вилоятида 319 минг 487 киши ҳар хил тартибдаги нафақа билан таъминланди. Уларга йилига 146 миллион сўм маблағ ажратилди. Афғонистонда хизмат қилиб келган 195 жангчи ва уларнинг оилаларига пенсия белгиланди.

Вилоятда уруш ветеранлари ва байналмилалчи жангчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга кўрсатиладиган хизмат турларини янада кўпайтириш, алоҳида савдо ва маиший хизмат жорий этиш программаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА НАФАҚА МИҚДОРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Кўп болали оналарнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРда кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори 1990 йил 1 июлдан бошлаб икки баравар кўпайтирилсин».

[Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонидан].

Сурхондарё вилояти партия ташкилоти оналар ва болалар соғлиғини сақлаш аҳволи билан жиддий шуғулланмоқда. Вилоятда туғилиш юқори бўлиши билан бир вақтда болалар ўлими даражаси ҳам анча баланд. Жумладан, Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич ҳар минг бола ҳисобига 24,7 тага, жумҳуриятда 38,1 тага, вилоятда эса 48 тага тўғри келади.

Президент Фармонидан сўнг оналик ва болаликни сақлашни яхшилаш бўйича тадбирлар кўриб чиқилмоқда. 37 минг нафар кам қонли онанинг белул овқатланишини ташкил этишга маҳаллий бюджетдан 2,6 миллион сўм ажратилди. 150 минг нафар 1-5 синф ўқувчилари учун белул нонушта уюштириш йўлга қўйилди.

Вилоят партия ташкилоти соғлиқни сақлаш масалаларини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар ҳам кўрмоқда. Яқин орада область Совети билан биргаликда касалхоналар, поликлиникалар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари қурилиши планлари қайта кўриб чиқилди.

Президент Фармонидан сўнг Андижон вилояти партия ташкилоти шу йилнинг 1 июлидан бошлаб кўп болали оналарга тўланадиган нафақа пулига қўшимча 61 минг сўм қўшиш чораларини кўрмоқда.

САМАРҚАНД ЗАМИНИ ИСТЕЪДОДЛАРГА БОЙ

Тошкентликлар «Меҳмон хонадонга қувонч келтиради», деган қадимги анъанага амал қилиб, Самарқанд вилояти маданият кунлари қатнашчиларини шоду-хуррамлик билан кутиб олдилар. Ўзбекистон пойтахти билан Самарқанд оралиғи уч юз километрга яқин, лекин кўпдан буён Тошкентда бу регион халқ истеъдодларининг бундай катта томошаси бўлмаган эди.

— Ҳозир турмушнинг барча соҳаларида қайта қуриш ва янгиланиш бўлаётган бир пайтда жумҳурият барча вилоятлари маданият кунларининг тикланиши — давримизнинг ажойиб нишонасидир,— дейди Самарқанд вилояти партия комитетининг котиби С. А. Нишонов.— Тошкентдаги кўрик истеъдодларимизни намоён этиш, ижодий ҳисобот билан чиқиш, дўстлардан ўрганиш имконини беради. Бу одамларни яқинлаштирувчи ва маданий қадриятлар билан ўзаро бойитувчи кўприк ҳамдир. Меҳнат коллективлари ва ижодий ташкилотлардаги бу тажриба алмашиш шубҳасиз қайта қуришга хизмат қилади, янги ғоялар билан бойитади.

Самарқанд вилояти маданият кунлари қатнашчилари Тошкент шаҳар ижроия комитетида қабул қилинди, у ерда уларни яқинда тузилган экология комиссияси иш тажрибаси қизиқтириб қолди. Улар бу янгиликни эътиборга олиб қўйдилар. Меҳмонларни «Миконд» заводи меҳнат жамоасининг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан ташаббуси қизиқтириб қолди. Бу корхонада маданиятни турли миллат кишиларини яқинлаштириш шаклларидан бири деб, айтишди. Меҳмонлар цехнинг ўзида концерт беришди.

Навоий номли театрдаги якунловчи томоша ҳам Самарқанд замини истеъдодларга бойлигига ишонч ҳосил қилди. Томоша бошланиши олдидан меҳмонларни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов қутлади. Самарқанд вилояти ижроия комитетининг раиси Т. Қиличев жавоб нутқи сўзлади. Тўпланганларга Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон ва шоира Бибисора Туропова шеърий мисраларни йўллашди.

Катта концертнинг барча фольклор коллективлари иштирок этган вокаль-хореография композицияси бутун мусиқали спектаклга алоҳида руҳ бағишлади. Турли этник гуруҳларнинг вакиллари ўз санъатини намойиш этди.

— Коллективимизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у фақат эркаклардан иборат,— дейди «Чавқи» халқ ансамблининг раҳбари Сувонқул Абдуқодиров.

Ҳаваскор артистлар анча унут бўлиб қолган асарларни тиклаб оғзаки халқ ижодига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Улар ўз ижодларини Франция ва Швейцарияда, Италия ва Чехословакияда намойиш этишган. Концертлар билан Афғонистонда бўлишган. Уларни Эстония ва Арманистонда қанчалик самимий кутиб олганликларини қувонч билан эслайдилар.

— Самарқанд вилояти халқ ижодиётига маданиятларнинг қўшилиб кетиши хосдир. У ерда эрон, туркий тилларга мансуб халқларнинг, тожик ва рус маданиятлари анъаналари ва маросимлари бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган,— дейди программанинг постановкачи режиссёри, Тошкентдаги «Ёш гвардия» театрининг бош режиссёри, самарқандлик Баҳодир Йўлдошев.

«Панжоб» ансамблининг яккахони Эркин Муҳсинов меҳмонлар орасида Ўзбекистон халқ артисти, таниқли рақкоса Дилафрўз Жабборова ҳам борлигини эълон қилганда залда гулдурос қарсаклар янгради. Бу шўх рақсга тамошабинларнинг ўзлари ҳам қўшилиб кетишди.

Саҳнада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба Абдуллаева пайдо бўлганида у узоқ вақт ўз қўшиғини бошлай олмади — тўпланганлар севимли хонаноларини ўринларидан туриб қутладилар. Яқинда Ҳиндистонда катта муваффақият қозониб келган хонанда ўз репертуарини анча янгилади. У катта концертни композитор Э. Солиҳовнинг Ҳ. Муҳаммад шеърига басталаган «Самарқанд» қўшиғи билан якунлади. У ноёб миноралар ва қадимги ёдгорликлар бунёд этилган шаҳар ҳақида, меҳрибон ва кўнгли очиқ кишилар ҳақида, кўплаб истеъдодлар етишиб чиққан шаҳар ҳақида куйлади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

● ДЕЛЕГАТЛАР МУЛОҲАЗАЛАРИ

САРАЛАБ ОЛАМИЗ

Сафо Саъдуллаев ҳарбий хизматдан қайтиб келганида сафимиз яна бир коммунистга кўпаяди, деб хурсанд бўлгандик. Чунки у армия сафида эканлигидаёқ КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилинган эди. Ёш ишчи ип ўровчилик касбини пухта ўрганиб, ҳамкасбларига ибрат кўрсата бошлади. Партия комитети уни жамоат ишларига жалб қилди. Унинг ҳақиқий аъзоликка қабул муддати яқинлашиб қолганида эса партия комитетига таклиф қилиб, ҳарбий қисм коммунистларидан тавсиянома сўрашни илтимос қилдик. Сафо бир неча марта ўзи хизмат қилган қисмга мактуб ёзган бўлсада, жавоб ололмади. КПСС Уставининг амалдаги қоидасига биноан бундай тавсияномаларсиз уни партияга қабул қилиб бўлмайди. Шу сабабли ишчининг номзодлик муддатини маълум бир даврга чўзишга мажбур бўлдик. Бу орада С. Саъдуллаев ўқишга кириб, ишдан бўшади. Кейин билсам у номзодлик варақасини олмай, шаҳардан кетган экан. Шундай қилиб, расмиятчилик оқибатида бошланғич ташкилот муносиб бир йигитни ўз сафига қўшиш имкониятидан маҳрум бўлди. Қанчадан-қанча ёшларнинг мана шундай арзимас сабаблар билан партиядан ихлоси қайтмоқда. Кейинги даврда партияга кириш учун ариза берган 108 кишидан 30 кишининг ўз аризасини қайтариб олган сабаби ҳам ана шунда.

Корхона коммунистлари партия Устави лойиҳасида турли хил расмиятчиликларга ўрин қолдирилмаганлигини қўллаб-қувватладилар. Бироқ партияга янги аъзолар қабул қилишда ёшларни қайта-қайта синовдан ўтказиш, муқобил асосларни жорий қилишни ҳам талаб қилмоқдалар. Партияга қабул қилинувчиларга нисбатан талабчанлик ошиб боряпти. Уларни саралаб танлаш принципига амал қилинмоқда. Кейинги пайтларда партияга кириш нстагини билдирганлар коллектив йиғилиши муҳокамасидан ўтказиладиган бўлди. Агар ҳамкасблари уни муносиб деб топишса у бошланғич ташкилот котиблари кенгашига киритилади. Ўтган беш ой ичида 6 кишини ана шу тарзда сафимизга қабул қилдик. Партияга қабул тартиби сира ҳам қотиб қолган жараён эмас. Уни КПСС Устави талаблари асосида мунтазам такомиллаштириб бориш зарур.

Н. ФОЗИЛОВ,
Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси мастер ёрдамчиси, 1-йигирув-тўқув фабрикаси партия комитети аъзоси.

КЕЛАЖАГИМИЗ—МАКТАБДА

«Совет Ўзбекистони тарихининг ёрқин саҳифаларидан бири — халқ таълими тараққиётидан иборат бўлиб, у миллионлаб кишиларнинг жаҳолатдан билим сари улкан қадам ташлашларига замин яратди. Ана шунга асосланадиган бўлсак, бугун мезон ҳам, талаб ҳам янгиланиш даврида янги часига иш тутишни тақозо этади. Халқаро саводхонлик йилида биз фарзандларимизнинг илм олишда бирмунча орқада қолаётганликлари, аксарият ёшлар орасида билим олишга қизиқиш жуда суст даражада эканлиги хусусида ўйлаб кўришнинг айни пайти келганлигини унутмаслигимиз керак. Сир эмас, мактабларимизда бодаларнинг бир қисми ҳанузгача ҳижжалаб ўқийди, ёзганда хатоларга йўл қўяди, ҳисоблашни яхши билмайди, бундай эътиборсизлик натижасида мактаб ишини қайта қуриш, кўриниб турибди ки, жамиятдаги қайта қуришдан орқада қолмоқда».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий Советлар депутатлари, жамоатчилик ташкилотлари, министрликлар, идоралар, корхоналар ва кооперативларининг раҳбарлари, меҳнат коллективлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, халқ таълими ходимлари, ота-оналар жамоатчилигининг кўпмиллатли жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча меҳнаткашларга қилган мурожаатномасидан.

Таълим-тарбиянинг ҳар қандай шакли инсон шахсининг камолоти учун хизмат қилади. Узоқ йиллар давомида мамлакатимизда ўқиш бепул, деб ўзимизни овунтириб келдик. Энди билсак, бу ўз-ўзимизни алдаш билан баробар экан. Чунки мамлакатимиз ёш авлоднинг билим олишига энг кам маблағ сарфлаётганлар қаторига кирар экан. Бизда миллий даромаднинг атиги 7,4 фоизи халқ таълимига ишлатилади. Афсуски, ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 18—27 фоизни ташкил этади. **Вилоятимизнинг ўзида 106 та мактаб шикастланган. 113 мингдан знёд ўқувчи икки сменада ва уч сменада ўқимоқда. Вилоятда 47 фоизга яқин болалар боғчага жалб қилинган, холос.** Аҳволни ўнглаш учун биз жуда катта миқёсдаги қурилиш ишларини олиб боришимиз керак. Аммо бу соҳадаги ишлар талаб даражасида эмас. Қурилган биноларнинг сифати мақташга арзимайди. Бир мисол, мактабларда одатда эшиклар зичланган қоғозлардан қилинади. Оқибатда улар бир йилга бормай йиртилиб кетяпти. Мактаб бинолари томлари негадир шифер ўрнига мўм билан қопланади. Ўрта Осиёнинг жазирама қуёши эса мўмни эритиб юборяпти.

Келтирилган мисолларнинг ўзи мактабга эътиборсизликдир. Бироқ кейинги йилларда бу соҳада қилинган анча-мунча ишлар ҳам бор. **Вилоятимизда шу йилнинг ўзида 6 миллион сўм компьютер синфлар сотиб олиш учун ажратилди. 512 та мактаб компьютер синфлар билан таъминланди. Қишлоқ мактаблари ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаш учун давлат нархида гўшт сотиб олишга 3 миллион сўм пул ажратилди. Вилоят ижроия комитетининг қарори билан ўқувчиларни мева ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 8 гектардан ортиқ ерда деҳқончилик қилиняпти.**

Ўқитувчиларнинг турмуш даражаларини яхшилаш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Вилоятда ҳозир 300 ўринли ўқитувчилар учун дам олиш ва даволаниш масканлари ташкил этилмоқда. Ишонамизки, жумҳуриятимиз Компартияси съезди халқ таълими равнақини яна ҳам равон йўлга олиб чиқади.

Т. ҚУРБОНОВ,
Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.



Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида бўлиб ўтган миллий санъат ва ҳунармандчилик байрами кўплаб ихлосмандлар эътиборини тортди. Томошабинлар мадраса ҳовлисида ажойиб ўйинчоқлар қандай ясалиши, дўппиларнинг тикилиши, гилам ва хонатлас тўқилишининг шоҳиди бўлдилар. Улар Самарқанд, Наманган, Чуст, Хива ва жумҳурият бошқа шаҳарларидан келган халқ усталарининг ҳунармандчилик маҳоратидан катта завқ олдилар.

Тошкент шаҳри ва вилоятининг фольклор-этнографик ансамбллари эса ихлосмандларга катта концерт қўйиб беришди.

Санъат ва ҳунармандчилик байрами ташкилотчилари — Совет маданият фондининг жумҳурият бўлими бундай қизиқарли тадбирни йилига икки марта мунтазам ўтказиб туришга қарор қилишди.

Суратларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти Маргарита Оқилова ўз санъатини намойиш этмоқда; нукуслик ҳунармандлар.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонига шарҳ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Сўнгги беш йиллик мафкуравий ҳаётидаги энг муҳим белгилардан иккитасини қайд қилмоқчиман.

Биринчиси — суръат. Назаримда ярим асрдан мўлроқ даврда йиғилиб қолган халқ кучи ҳозир тарих ғилдирагини шундоқ тез айлантириб юбордики, эътиқоди заифроқ одамларнинг боши айланиб, ҳаракатидан мантиқ йўқолиб, гапи айниб қолгандай. Ҳеч шубҳасиз, қайта қуриш даврининг тез ўзгариши ижобий ҳодиса. Шу ўзгаришларни партия бошлаб берди, рағбатлантирди, уни фаол бошқармоқда. Ўзбекистонимиз ҳам бу ўзгаришларни ўзига хос қийинчиликлар билан бошидан кечирмоқда. Чунки сиёсат ва иқтисодда, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз муаммоларимиз бор. Ўйлайманки, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди бу суръатга ижобий баҳо берса, тўғри иш қилади.

Иккинчи муҳим белги — сифат. Сиёсатимиз мазмуни ўзгарди. Бадиий ижоднинг бир масаласини мисол келтирай.

Биз маънавий тараққиёт кучайган сари халқ оғзаки ижоди ёзма шаклга кўчади ва бора-бора ўз-ўзича қурийди, деган назарий тушунчада эдик. Аслида акси бўлиб чиқди. Халқ ижоди битмас қайнар булоқ экан. У ҳар қандай ривож топган бадиий санъат билан ёнма-ён давом этаверар экан. Ҳар авлод ўзича алла куйлар, топишмоқ топар, эртак тўқир, замонавий мавзуда латифа айтар, камчиликларни чандиб, аския қилаверараркан.

Халқ ижоди фақат адабиёт эмас. У каштачилик, мусиқа, ганчкорлик, ўймакорлик, мисгарлик, заргарлик, гиламга гул солишдан атласга гулобардор бўлишгача санъатнинг ҳамма турида бор экан. Унга бепарволик бу соҳалардаги халқимиз маънавий бойлигини камбағал қилиб қўйди. Азиз меҳмонга дўппи-тўн кийгазамиз. Ахир, шулар халқ бадиий ижодига ҳам мисол-ку. Қўқонлик уста Қодиржон Ҳайдаровнинг В. И. Ленинга тақдим қилган ўйма курсиси ўзбек санъатининг тимсоли бўлиб, оламнинг диққат марказида бўлган. Ҳозир ўшанақа гўзал буюмлар кимнинг уйини безамасди. Йўқ бўлиб кетди-ку. Демак, назариядаги хатолар амалиётда санъатни йўққа чиқариб қўярканда. Тарихий ёдгорликлар ҳолатини, унга бепарволигимизни айтмай қўя қолай.

Ва яна: халқ ижоди — тилимизнинг, бугунги Давлат тилининг энг мукаммал қомуси. Ёзма адабиёт тилни яхши билган бир шахс томонидан яратилган. Фольклор эса, халқ томонидан. Ҳаммамиз шевада гаплашамиз. Ҳамма шевалар фольклорда жам бўлади. Унинг овози ёзиб олинган хазина йўқ. Шунинг учун ҳам чаққонлик билан ёзиб олмасак, кекса авлод тил бойлигини ўзи билан олиб кетаверади. Шошилиш керак!

Яна: фольклор — миллий санъатнинг асоси. Навоий ўтмиш адабиётимизнинг даҳоси бўлса, унинг халқ оғзаки ижодига муносабати бизга ибрат бўлсин. «Майсаранинг иши» ҳам эртакдан олинган воқеа. Ҳар маросимда айтилмаса армон бўладиган «Тўйлар муборак» қўшиғи Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра»сидан халқ оғзига тушган.

Шунинг учун маҳазнинг мағзини чаққанлар, назаримда, яхши санъаткорлар. Бошқа манбалардан ибратлисини олиш мумкину, аммо ўз томиринг бақувват бўлсин.

Битта фольклор бобида бунга ўхшаш гаплар ҳали кўп.

Қайта қуриш даврида биз ўтмиш меросга муносабатимизни тубдан ўзгартирдик. Илгари синфий жиҳатдан иккига бўлиб, демократик қисмингина маданиятимиз меросидеб билардик. У ўз кучида қолади. Аммо иккинчи ярмидан ҳам воз кечиш керакмас. Агар санъаткор бундан юз йил аввал бугунги ғояларимизни тополмаган бўлса айб эмас. Шу ҳолни қайд қилиш керак-да, ижоднинг бадиийлигига қараб баҳолай бериш лозим.

Деидеологизация ёки бадиий асарни баҳолашда унинг ғоясига қараб эмас, бадиийлигига қараб баҳо бериш бугунги илмдаги сифат ўзгаришининг мисолидир. Адабиётшуносликда бу ҳол ҳамма даврлар, жумладан, XX аср бошлари, инқилоб арафаси даври адабиётига ҳам кенг татбиқ этилмоқда.

Совет даври маданиятимиз тарихи 37-йиллар фожиаси, сталинизмнинг ижодга етказган зарарларини баҳолаш билан ҳам сифати янгича. XX аср ўзбек адабиётини А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У. Носир, Элбек, Боту, С. Ҳусайн, Ш. Сулаймон каби ўнлаб бегуноҳ қурбон бўлган талантли сиймолар ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Партия уларни сиёсий жиҳатдан тўла оқлади. Илмнинг вазифаси энди уларнинг маданиятимиз тарихидаги ўз ўрнини топиб қўйишдан иборат. Бу борада қилинган ишлар ор эмас, қилиниши кераклар эса ундан кўпроқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1952 йилдаги Х пленуми Ойбек, В. Зоҳидов, Ҳ. Зарифов, Ғ. Каримов, Ҳ. Ёқубов, О. Усмонов ва бошқаларни ноҳақ айбланганлиги тарихий факт. Назарий айбномадан кейин Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шуҳрат, Ёнғин Мирзо, Неъмат Тошпўлат каби бир қанча ижодкорлар ноҳақ қамалгани ҳам, афсуски, аччиқ ҳақиқат.

Бугунги кунги раҳбарият ана шундай адолатсизликлар бошқа мутлақо қайтарилмасин деб, ўтмишдаги қарорни ноҳақ деб қоралади.

Умид қиламанки, партиянинг олий ҳуқуқий мажлиси бўлган съезд ҳозирги адабий сиёсатни маъқуллайди ва уни келажак партия ғоявий платформаси учун асос қилиб тасдиқлаб беради...

МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ

Лазиз ҚАЮМОВ, профессор.

Кўриб турибсизки, сўнгги беш йиллик учун суръат ва сифат энг муҳим белгилардан бўлиб келмоқда.

Аммо бугунги бадиий ижоддаги суръат ҳам, сифат ҳам мени қониқтирмайди. Қайта қуриш бошланганига беш йил бўлди. Унинг руҳи ҳамма ижодкорга маъқул. Биланиҳоя беҳадик фикр айтиш мумкин. Ижод эркинлиги барқарор бўлмоқда. Тазйиқ йўқ. Ўтмишнинг, марҳумлар даврининг танқидига ҳамма ботиру, аммо янгиликнинг туб моҳиятини чуқур очиб берадиган, эл оғзига тушиб, талаш бўлиб ўқиладиган ёки кўриладиган асарларимиз деярли йўқ. Ижод суръати суст, сифати баландмас.

Одатан съездлар орасидаги давр маданияти шу пайтда яратилган асарлар билан ўлчанади. Чингиз Айтматов асарлари КПСС съездидаги докладларда тилга олинганлиги тасодиф эмас. Шу маънода мен шахсан шу беш йил давомида ўзбек маданияти ривож топиб, янги юксак поғонага кўтарилди, деб айта олмайман. Аксинча, унда маълум даражада ижодий каммаҳсуллик бор. Маҳсулнинг ҳам сифати зўр эмас, деб биламан.

Бу ҳолатнинг сабабларини кўпчилик бўлиб топиб оламмиз, тузатармиз. Шахсан мен, бунинг сабаби назарий ва ташкилий ишлардаги уқувсизлик, ижодий пассивлик, санъаткорлар ижодга кам эътибор бериб, бошқа ишлар билан банд бўлиб кетганлигидан эмасмикан, деб ўйлайман. Шу соҳани бошқариши керак бўлган, аммо уддалай олмаган ношуд раҳбарларга съезд партиявий баҳо берар, деб умид қиламан.

Айни вақтда ижодкор дўстларимни оғир ҳаётимизни енгиллаштириш учун қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракатни қувватлашга даъват этардим.

● Инсоннинг турмуш шароити, ижтимоий фаоллиги табиат ва унинг бойликларидан фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Илмий-техника тараққиёти асрида мувозанатнинг бузилиш ҳоллари, табиатга ва унинг бойликларига боқимандалик назари билан қараш оддий бир ҳолга айланиб қолмоқда.

5 июнь—Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ТАБИАТГА ШАФҚАТ КЕРАК

Бу аҳвол жумҳуриятимизда, умуман Иттифоқимизда, социалистик хўжалик юритиш принципларининг қўпол равишда бузилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналиши нотўғри танланганлиги даврида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Бунда табиат ва унинг имкониятлари, табиий-иқлимий шарт-шароитлар кераклигича ҳисобга олинмади.

Иқлимимизнинг қуруқлиги, ёғин-сочин миқдорининг камлиги бир томондан суғоришга асосланган қишлоқ хўжалигининг юксалишига мос келса, иккинчи томондан сув манбаларининг чекланганлиги, уларнинг ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганлиги, ер манбаларининг табиатан шўрланганлиги ва бошқа бир қатор омиллар қишлоқ хўжалигининг ривожланишига кескин тўсиқлик қилган. Афсуски, бу омилларни ўз вақтида тўла ҳисобга олмадик.

Оқибатда ҳозирга келиб, 4,1 миллион гектар суғориладиган экин майдонларининг деярли 2 миллион гектари, жумладан 853 минг гектари ўртача ва кучли даражада шўрланган. 2,1 миллион гектар ер шамол ва сув таъсирида емирилмоқда. Экин майдонларимиздан йилига 500—800 килограмм ҳосилдор чиринди қатлами, 100—120 килограмм азот ва 75—100 килограмм фосфор ювилиб кетмоқда. Пахтачилик хўжаликларида пахта экини майдонларнинг 68—73 фоизни эгаллаган. Бундай кўрсаткич пахта етиштириладиган мамлакатларнинг ҳеч бирида йўқ. Ўзбекистон олимлари шуни таъкидлашяптики, пахта майдонлари хўжалик ерларининг 50 фоизидан ошиб кетса, у ернинг ҳосилдорлик кучини суғориб оладди, бу эса ўз навбатида ернинг қашшоқланишига олиб келади. Иттифоқ миқёсидаги минерал ўғит ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарни қуриб, ерларимизни кимёвий усул билан озиқлантириб, ҳосилдорликни ошириш йўлига ўтдик. Лекин бу йўл билан тупроқнинг ҳосилдорлик қатламини тиклаб ёки яхшилаб бўлмаслиги маълум.

Экин майдонларини йилдан-йилга кенгайтириш, уларни сув билан таъминлаш учун чўллар бағрида каналлар қазилиб обиҳаётнинг олиниши зовур сувларининг қайта дарё ўзанларига ташланиши сувнинг таркиби ифлосланишига олиб келди. Мана шулар табиатимиз бардошини тугатмоқда.

Бу борада ҳақиқий экстенсив усуллар қўлланилаётгани, яъни сув танқислиги сезилаётганлигига қарамасдан, сувни тежаш учун янги суғориш усуллари ва технологик жараёнлар сусткашлик билан жорий этилиши ва магистрал, хўжаликлараро, хўжаликларнинг суғориш системалари ўзанидан бўлаётган миллиардлаб кубометр сув сизилишининг олдини олиш ишлари оқсаётганлиги дард устига чипқон бўлиб чиқмоқда.

2000 йилга қадар жумҳуриятимизда тоғ-кон бойликлари, қимматбаҳо ва нодир металларни қазиб олиш режаларида бу ишни янада ривожлантириш кўзда тутилади. Шундай экан, олиб кетилаётган бойликларнинг асл баҳоси қандай, жумҳуриятимиз бу соҳада қанча иқтисодий зарар кўряпти, бу зарарларни, албатта табиатимизга келтирилаётган зарарларни қўшган ҳолда, қандай қоплаш зарурлиги ҳисоб-китобларини тайёрлаб қўйишимиз керак.

Жумҳуриятимизда табиат олдидаги кўп йиллик қарзларни узиш, табиат муҳофазаси тадбирларини бажариш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, деб бўлмайди. Лекин табиат муҳофазаси ва ресурслардан оқилона фойдаланиш ишлари комплекс олиб борилмаяпти. Табиат муҳофазаси фаолияти яқин вақтгача тарқоқ ҳолда, яъни назорат ишлари атроф-муҳитнинг алоҳида объектларида (сув ресурслари, атмосфера, ҳаво, ер ресурслари ва бошқалар) олиб борилди.

Жамиятимизда табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдек муҳим ишларда ҳам қайта қуриш бошланди. Бунда биринчи навбатда устига собит қадам табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкил этилишидир. Чунки бу билан табиат муҳофазаси тўлиқ бўлмаса-да, қўмита қўлига топширилди. Билдирилган ишончни оқлаш ишлари қай даражада олиб борилаётганлиги, ҳозирги ва келажак вазифаларимиз, жумҳуриятимиз табиатини асрашда, вужудга келган экологик муаммоларни бартараф этишда келгуси режамақсадларимиз ҳақида тўхталсак.

Табиат муҳофазаси қонунларини менсимаслик, бу қонунларни бузиш ҳам кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бундай бузғунчиларга нисбатан корхоналар, цехлар, участкалар ишини тўхтатиб қўйиш ва ҳатто ишни прокуратура органларига топширишгача бўлган жазо чораларини қўлламоқда.

Лекин бу кўрилган чоралар муаммоларни келтириб чиқараётган сабаблар билан эмас, балки оқибатлари билан курашиш бўлиб кутилганидек яхши самара бермаяпти.

Бу ҳол эса табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда иқтисодий воситаларни қўллашни тақозо этади. Бизнинг қўмитамиз Ўзбекистон ССР давлат План қўмитаси ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда атроф-муҳитга чиқарилган чиқиндилар, оқава сувлар ва қазилма бойликларни ажратишда ҳосил бўладиган чиқиндилар учун тўловлар жорий қилишга қарор қилди. Бу тўловлар 1991 йилдан жорий қилинади.

Биз аминмизки, бу воситани жорий этиш жумҳуриятимизда иқтисодий мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнларида қўл келади.

Табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг мусаффолиги учун курашиш фақат мутасадди ташкилотларнинггина эмас, шунингдек ҳар биримизнинг ҳам муқаддас ишимиздир. Она табиат инъом этадиган табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, умуман, атроф-муҳитга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳозирги экологик вазият оғир қулфатни бошидан кечираётган бир пайтда жуда муҳимдир.

Зотан, табиат инсон меҳр-шафқатига муҳтождир.

Б. БЕКМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи, техника фанлари номзоди.

Х. ЛУТФУЛЛАЕВ,
шу бўлим мутахассиси.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТУЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА ИШЛАЙДИГАН ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АГАР СИЗ ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ МУЛКИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ШАРТНОМАСИНИ

ТУЗГАН БЎЛСАНГИЗ БАХТСИЗ ҲОДИСА, АВАРИЯ ЁКИ ТАБИИЙ ОФАТ НАТИЖАСИДА МУЛКИНГИЗГА ЕТКАЗИЛГАН ЗИЁН ЎРНИ ҚОПЛАНИШИГА КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ.

Суғурта қилиш икки турдаги шартномалар бўйича амалга оширилади.

Асосий шартнома бўйича — корхоналарга тегишли барча мол-мулк: бинолар, иншоотлар, тузатиш қурилмалари, қувватга оид, ишчи ва бошқа машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, балиқ овловчи ва бошқа кемалар, ов қуроллари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш объектлари, асбоб-анжомлар, тайёр маҳсулотлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва бошқа мол-мулклар суғурта қилдирилади.

Қўшимча шартнома бўйича — корхона томонидан мол-мулкни ижарага олиш шартномаси бўйича (агар бу мулк ижарага берувчи томонидан суғурта қилинмаган бўлса) ижарага олинган ёки корхона томонидан бошқа ташкилотлар ёки аҳолидан қайта ишлаш, тузатиш, ташиш, текшириш, сақлаш ва ҳоказо мақсадлар учун қабул қилинган мол-мулк суғурта қилдирилади.

Мол-мулкнинг бир қисмини суғурта қилдириш юзасидан ана шу мулк билан тажриба ёки тадқиқот ишларини ўтказиш, уни кўргазмада намойиш этиш вақтига корхона билан шартнома тузилиши мумкин.

Суғурта қилдирувчининг ёзма аризасига биноан мол-мулк алоҳида баҳода қулфни бузиб (босқинчилик қилиб) ўғирлаш, транспорт воситаларини ҳайдаб қочиш ҳолларидан қўшимча равишда суғурта қилдирилиши мумкин.

Асосий ва қўшимча шартномалар бўйича суғурта тўловлари миқдори суғурта пулининг қуйидаги фоизлари ҳажмида белгиланади:

— нефть-газ қазиб чиқарувчи, кон қазиб чиқарувчи, нефть-газни қайта ишлаш, нефть-химия, химия, кон-бойитиш, металлургия, ёғочсозлик, транспорт, савдо, энергетика корхоналари учун — 0,15 фоиз (ўғирлик) талончилик учун жавобгарлиги билан — 0,3 фоиз);

— машинасозлик, қурилиш ва бошқа корхоналар учун — 0,1 фоиз (ўғирлик) талончилик учун жавобгарлиги билан — 0,2 фоиз) ;

— транспорт воситалари учун — 1 фоиз (ҳайдаб қочиш учун жавобгарлик билан — 2 фоиз) ;

— ов қуроллари учун — 3 фоиз (ўғирлик) талончилик учун жавобгарлиги билан — 4 фоиз).

Суғурта қоидаларига кўра суғурта қилдирувчи тўловлар миқдори тегишлича камайтирилган ҳолда зиённинг тўланишида ўзи танлаб олган миқдорда шахсан иштирок этиши мумкин.

Корхоналар мулкини суғурта қилиш шартномалари 1 йилга ва номаълум муддатга тузилиши мумкин. Кейинги ҳолатда мол-мулк қиймати ва йиллик тўловлар қиймати ҳар йили қайта ҳисоб-китоб қилинади. Шартнома мулкнинг тўла қийматига ёки қийматининг муайян ҳиссасига тузилиши мумкин.

Мол-мулкни тўлиқ қийматига суғурта қилдирган ҳамда уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ йиллар мобайнида суғурта тўловларини олмаган корхоналар учун йиллик тўлов миқдори шунга яраша 5,10,15 фоизга камайтирилади.

Бинолари, иншоотлари ва бошқа мол-мулклари Давлат ёнғин назорати органлари ёки тегишли вазирликлар ва маҳкамаларнинг хулосасига мувофиқ ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бера оладиган корхоналар учун ҳисоблаб чиқарилган тўловлар миқдорининг 5 фоизи чегириб ташланади.

Бундай турдаги суғурта шартлари билан батафсил танишиш ва шартнома тузиш учун ўзингиз истиқомат қилиб турган шаҳар, район давлат суғурта инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

ИМОРАТЛАР ВА УЙ-РЎЗҒОР МУЛКИНИ КОМПЛЕКС СУҒУРТА ҚИЛИШ —

СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ!

Суғурта тўловларининг анча камлиги;

Фақат иморатларга ёки фақат мол-мулкка зиён етганлигидан қатъи назар суғурта пулининг тўланиши;

шартнома тузиш ва уни янгилаш тартибининг жўнлаштирилганлиги;

бундай суғурта турининг афзалликларидан саналади.

Шунисн ҳам борки, иморатларга етказилган зиён миқдори суғурта пулининг мумкин бўлган энг юқори қиймати даражасида ҳисобланади.

Энг кичик (ягона, алоҳида иморатлар ва мол-мулк учун аниқ бир миқдор кўрсатилмаган) суғурта пули — 5000 сўмдан иборат. 5000 сўмдан ортиқ пулга шартнома тузиш учун шартномалар ва мол-мулк албатта кўздан кечириб чиқилади.

Суғурта бадали — иморатнинг оловга бардошлилигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъий назар ҳар 100 сўмдан 35 тийинни ташкил этади.

ШАРТНОМА 1 ИЙЛ МОБАЙНИДА АМАЛ ҚИЛАДИ.

Суғурта ҳолатлари юз берганда ҳақиқатда етказилган зиён ҳажмида (бироқ суғурта пулидан ортиқ эмас) товон тўланади.

Жумҳуриятимиздаги исталган бир давлат суғурта инспекциясида бу турдаги суғурта шартлари билан батафсил танишиб чиқишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

МАХСУС РЕЙС БИЛАН—ҲАЖГА

Ўрта Осиё жумҳуриятлари: Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда истиқомат қилувчи 500 нафар диндор фуқаро июнь ойида Макка ва Мадинага ҳаж қилади. Бундай кўп сонли ҳаж қилувчилар манзилга илк бор аэрофлотнинг махсус рейслари билан элтиб қўйилади.

Шу муносабат билан фармон қабул қилинмоқда. Фармонга биноан жумҳуриятнинг бир қанча министрликлар ва идоралари бу сафар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашишлари зарур.

Граждан авиацияси бошқармаси ўз ихтиёридаги барча қулайликларга эга бўлган самолётлардан иккитасини — замонавий ИЛ-86 ва ИЛ-62 ҳаво лайнерларини ажратади. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳаж қилувчиларни зарур дори-дармонлар билан таъминлайди, Саудия Арабистонида бўлинадиган бутун давр мобайнида малакали тиббий хизматни ташкил этади.

Ҳаж қилувчилар орасида турли касб вакиллари — қишлоқ меҳнаткашлари, ишчилар, хизматчилар, пенсионерлар бор. Ҳажга борувчиларнинг кўпчилиги руҳонийлар вакилларидан иборат.

Ҳажга борувчиларга Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг раиси муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бошчилик қилади.

Р. — 03285 № 126. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12